O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 16 ноябрь, № 224 (4123) Пайшанба

Конституция — тақдиримизда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул таълим олиш давлат томонидан кафолатланади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддаси.

Андижон тумани Хартум қишлоғидаги 39-умумтаълим мактабида олти юздан ортиқ бола билим олади. Маърифатпарвар боболаримиз таърифича, дунё иморатлари ичра энг улуғи — мактабнинг 395 ўринли ўқув биноси бутунлай қайта таъмирланди, 210 ўринли қўшимча синф хонаси қурилди. Хартумлик ўқувчилар бу йил иссиқ ва ёруғ синфхоналарда ўқишади.

ИМОРАТЛАР ИЧРА ЭНГ УЛУҒИ

Болаларга спорт жамғармаси томонидан бир неча миллион сўмлик спорт анжомлари келтирилганлиги нур устига аъло нур бўлди.

— Мактабимизда ўнлаб фан докторлари, профессорлар, ижодкорлар, бокс бўйича жаҳон чемпиони Баҳодир Султонов таҳсил олган. Биз улар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турамиз, — дейди мактаб директори Авазбек Аҳмедов.

СУРАТДА: тажрибали ўқитувчи Арофат Собирова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ БРЮССЕЛДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Мамлакатимизнинг Брюсселдаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялашда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Учрашувда Бельгия ҳамда Европа Иттифоқининг расмий доиралари, Брюсселда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси вакиллари, Европа институтлари, ЕИ ҳамда НАТОга аъзо мамлакатлар миссиялари, шунингдек, қатор таҳлилий ва илмий-тадқиқот марказларининг вакиллари иштирок этди.

Тақдимот маросимида юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан жамият ҳаётида сиёсий партиялар ролини кучайтириш, давлат бошқарувини демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Учрашув иштирокчилари Ўзбекистонда давлат-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш борасида рўёбга чиқарилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолашди. Хорижий экспертларнинг таъкидлашича, Президент томонидан давлат бошқарувини демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиялар ролини кучайтиришни назарда тутувчи Конституциявий қонуннинг парламентга киритилиши, унинг жамият ва парламентда кенг муҳокама этилиши аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, сиёсий партияларнинг демократик ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнидаги аҳамияти ва масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Брюссель халқаро муносабатлар мактаби профессори Альбена Азмановнинг фикрича, Президент томонидан Конституциявий қонун лойиҳасининг парламентга киритилгани Ўзбекистонни янада демократлаштириш ва модернизациялаш борасидаги ўта муҳим қадам бўлди.

— Ушбу қадамнинг энг муҳим жиҳати шундаки, мамлакатда сиёсий партияларнинг ролини ошириш жараёнига институционал аҳамият берилмоқда, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга жалб этилиши даражаси ва масъулияти юксалиб бормоқда. Буларнинг барчаси мамлакатдаги барқарорлик ва изчил демократик тараққиётнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади, — дея таъкидлади бельгиялик олима.

Ўзбекистонда икки палатали парламентга ўтишга доир қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш жараёнида иштирок этган ТАСИС дастурининг Европа комиссияси эксперти Жоаким Родригес ҳам сиёсий партиялар ролини кучайтиришга қаратилган Конституциявий қонун лойиҳасининг аҳамиятини юқори баҳолади.

— Мазкур ҳужжатнинг тақдимоти у матбуотда эълон қилинган кундаёқ бўлиб ўтгани Ўзбекистон томони Европа ва жаҳон ҳамжамиятига мамлакатда чуқурлашиб бораётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар хусусида маълумот беришга муҳим аҳамият қаратаётганидан далолатдир. Тақдим этилган Конституциявий қонун лойиҳаси мустаҳкам методологик асосга эга бўлиб, у Ўзбекистоннинг ҳозирги босқичдаги тараққиёти ҳаққониятини инобатга олган ва бу борада тўпланган халқаро тажрибаларга таянилган, — деди Ж.Родригес.

Қабул қилинаётган қонунлар муҳимлигини таъкидлар экан, Европа халқаро муносабатлар институти (ЕХМИ) президенти Ирнерио Семинаторе Ўзбекистоннинг нуфузли инсон заҳиралари, дифференциаллашган ижтимоий ва саноат тизими мамлакатни минтақада етакчи ўринга, жумладан, демократик ислоҳотларни амалга ошириш борасида ҳам олдинги қаторга қўйишини қайд этди.

— Парламентга киритилган қонунлар лойиҳалари мамлакатда сиёсий партиялар ролини кучайтиришга қаратилган демократик ислоҳотларнинг ядрамас қисми бўлиб, минтақанинг бошқа мамлакатлари учун сиёсий тизим ва демократияни мустаҳкамлаш борасида яхши намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин, — деди ЕХМИ президенти.

«Жаҳон» АА,
Брюссель.

Инсон ҳаёти муқаддас

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти «шахс-жамият-давлат» тизимида яққол акс этади. Президентимиз «Инсон-давлат» муносабатларида асосий эътибор инсонга қаратилиши, давлат ва унинг барча тармоқлари фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга сафарбар қилгандагина ўз вазифасини адо этиши, бу энг асосий қоидалардан бўлиб, унга ҳамма итоат қилиши зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Инсон ҳуқуқларига асосланган демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор. Тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши ва озчиликнинг манфаатларини ҳам рўёбга чиқариш, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг асосий идораларига сайланиши ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги ва бошқалар шулар жумласига киради.

Айнан, шулардан келиб чиқадиган тенглик, эркинлик, инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши ва озчиликнинг манфаатларини ҳам рўёбга чиқариш, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги каби принциплар шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишга тегишли ҳисобланади.

Конституциямизнинг қатор моддаларида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланган. Шундан келиб чиқиб, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг алоҳида тизимга эга эканлигини кўрсатишимиз мумкин. Масалан, яшаш ҳуқуқи (24-модда), эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (25-модда), айбсизлик презумпцияси (26-модда), шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи (27-модда), турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи (27-модда), шахсларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқи (28-модда), фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги (29-модда), фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи (30-модда), виждон эркинлиги (31-модда).

Асосий Қонунимизда, шунингдек, инсон ва фуқароларнинг яшаш ҳуқуқларига оид халқаро андозалар ҳам ўзининг тўла аксини топган.

Инсон – биоижтимоий категориядир. У ўзининг биологик ибтидосига, ўзагига эга, кейинчалик ҳаётий фаолияти натижасида шахс сифатида шаклланади.

Шу боис, ҳуқуқ ва қонунлар томонидан ҳимоя қилинадиган ижтимоий қадриятлар аввалида инсон, унинг шахси билан боғлиқ хусусиятлар тенги йўқ, биологик маънода такрорланмас, табиат ва жамият ижодининг маҳсули сифатида марказий ўринни эгаллайди. Инсоннинг жамият ҳаётидаги иштироки, ижтимоий муносабатларнинг яратувчиси, иштирокчиси эканлиги боис ҳам унинг ҳаёти муқаддас ҳисобланади ҳамда ҳар томонлама муҳофаза қилинади.

Нурмат САБУРОВ,
Шаҳзод САЙДУЛЛАЕВ.

Самарқандда "Демократик институтлар ва жараёнларни ривожлантириш аҳволи ва истиқболлари: Ўзбекистон ва Россия тажрибаси" мавзуидаги халқаро давра суҳбати ниҳоясига етди. Таниқли сиёсатшунослар, экспертлар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг мазкур учрашуви Минтақавий сиёсат жамғармаси (Ўзбекистон) ва Самарали сиёсат жамғармаси (Россия) томонидан ташкил этилди.

ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ РИВОЖИ

Икки кун давомида ушбу тадбир иштирокчилари фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид қатор долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Таъкидландики, демократияни ривожлантириш жараёни ягона мақсад атрофида бирлашган, айни пайтда ҳар бири ўз вазифаларини бажарадиган давлат ҳамда фуқаролик жамиятининг самарали ҳамкорлигидан иборат. Ўзбекистон Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган тамойиллар асосида ўз ривожланиш йўлини танлаган фуқаролик жамиятини қуриш борасида катта тажрибага эга. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ислоҳотларни амалга оширишда давлат тузилмаларига фаол кўмаклашаётган жамоат институтлари ташкил этилди. Бундай ўзаро ҳамжиҳатликни йўлга қўйиш Россия учун ҳам жуда долзарб масаладир.

(Давоми 2-бетда).

МЕҲРНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

ТАККОС

"Мир новостей" газетасининг 44-сонида ёзилишича, яқинда Россия Давлат думасида болаларга бериладиган моддий ёрдамни кўпайтириш тўғрисида қонун лойиҳаси кўриб чиқилган. Ғарб мамлакатлари учун бу янгилик эмас. Масалан, Францияда моддий ёрдам ҳомиладорликнинг бешинчи ойидан бошлаб бола уч ойлик бўлгунча берилади. Германияда 2007 йилдан бошлаб ота-оналарнинг фарзанди учун оладиган маблағи маошининг 67 фоизи миқдоригача оширилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Айниқса, кейинги йилларда Шимолий Америка ва Европанинг аксарият мамлакатлари оналикни ҳимоя қилиш учун катта маблағ сарфлаяпти. Бу, бир томондан, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва аҳолига эътиборидан далолат берса, иккинчи томондан, бугунги тараққий этган давлатларда демографик муаммолар борлигини кўрсатади.

Айрим хорижий мамлакатларда бундай муаммо вужудга кела бошлаганига анча бўлди. Жинсий тартибсизлик туфайли оилалар барқарорлигига путур етди. Эгоцентризм, худпарастлик кайфияти баъзи ҳолларда фарзанддан ҳам устун қўйилди. Оқибатда туғилиш сони кескин камайиб, меҳнатга лаёқатли аҳолига бўлган эҳтиёж ортди. Юқоридаги каби моддий ёрдамлар ана шу вазият тақозоси билан йўлга қўйилмоқда.

Шуларни ўқиётиб, ўйлаб қолдим: бу давлатларнинг мустақил бўлганига кўп йиллар бўлди. Улар анча қудратли мамлакатлар қаторида саналса-да, ёш авлодга бундай эътибор эндигина бўй кўрсатмоқда. Ўзбекистонда эса истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бу масалага устувор вазифа сифатида қарала бошланганди. Давлатимизда биринчи бўлиб "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилгани ҳам Президентимизнинг болаларга бўлган меҳрини, жамият тақдирига эътиборини кўрсатади.

Бизда ҳам икки ҳамда ўн олти ёшгача бўлган болаларга нафақалар белгиланган. Кам таъминланганлар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Оналик ва болаликни ҳимоя қилишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар камтарона эмас. Лекин болажон ўзбек халқининг фарзандга меҳрини пул билан ўлчаб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда асосий эътибор туғишни рағбатлантиришга эмас, балки соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратиляпти.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида ҳам кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ўтказилаётган ёшларининг уч босқичли спорт мусобақаларини ҳам бутун дунё эътироф этмоқда. Шунингдек, мактаб таълимини ривожлантириш, замонавий ўқув даргоҳлари барпо этиш, бир сўз билан айтганда, фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун барча имкониятлар яратилган. Фарқ шундаки, бизда болалар учун сарфланаётган харажатлар писанда қилинмай, оламга жар солинмай амалга ошириляптики, бунинг фазилати бошқача.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Ҳар бир мамлакатнинг эртанги куни, истиқболдаги тараққиёти ёш авлод камолоти билан боғлиқ. Мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбияси, жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши йўлида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айни пайтда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш давлатимизнинг доимий диққат марказида. Пойтахтимизда иш бошлаган "Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ислоҳотлар" мавзуидаги халқаро форумда ана шу масала атрофлича муҳокама этилди.

БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мазкур халқаро форум "Sen Yolg'iz Emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси кўмагида ташкил этилди.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида ташкил этилган ушбу анжуманда мазкур соҳа мутахассислари, халқаро ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқшунослар, педагоглар, шифокорлар, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирок этдилар.

Тадбирда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол ва соғлом этиб тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Ёш авлод камолоти йўлидаги ғамхўрлик ва эътибор замирида фарзандларимиз онги ва қалбига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат, шонли тарихимизга ҳурмат-эътибор туйғуларини чуқур сингдиришдек эзгу ниятлар мужассамдир.

БМТнинг Болалар ҳуқуқи тўғрисида конвенциясига Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда қўшилган ва Парламентимиз томонидан 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йилнинг муайян ижтимоий соҳа ва йўналишга бағишланиши ҳамда бу борада қабул қилинган давлат дастурларининг изчил амалга оширилиши юртимизда болаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш баробарида, юртимизда ота-она меҳридан маҳрум, алоҳида эътиборга муҳтож болалар ва ногиронларни тарбиялаш, уларнинг билим олиши, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши учун кенг эътибор кўрсатилаётгани халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

ЮНИСЕФнинг "Ижтимоий мониторинг" ва бошқа тадқиқотларида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, мактаб ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ажратилган давлат маблағлари ҳажми Марказий Осиё давлатлари орасида энг юқори эканлиги, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш борасидаги қатор кўрсаткичлар бўйича эса мамлакатимиз соҳага оид халқаро форумларнинг яқин келажак учун мўлжалланган тавсияларидан ўзиб кетганлиги халқаро экспертларнинг эътиборини жалб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

"Осиё — 2007"

Энди қурғони кутамиз

Кеча қитъамизнинг бир қатор стадионларида Осиё чемпионати саралаш босқичининг сўнгги тур ўйинлари бўлиб ўтди. "F" гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон — Қатар учрашуви терма жамоамиз учун муваффақиятли якунланди.

Дастлабки дақиқаларда ўйини қовушмаган футболчиларимиз биринчи бўлим ўрталарига келиб ташаббусни ўз қўлларига олишди. 31-дақиқада Леонид Кошеловнинг чиройли ҳаракатларидан сўнг ҳисоб очилди. Иккинчи бўлим бошларида рақиблар дарвозасига яна бир тўп киритилди. Қанотдан ошириб берилган жарима тўпидан Илёс Зейтуллаев унумли фойдаланди — 2:0.

Учрашув шу ҳисобда ниҳоясига етди. Европа футболида тобланган ҳужумчимиз Максим Шацкихнинг майдондан четлатилгани кўнглимизни бироз хира қилган бўлсада, терма жамоамизнинг қитъа биринчилигига йўлланма олганидан ҳамма хурсанд. Шунингдек, бу учрашув яқинда айнан Қатарда бўлиб ўтадиган Осиё ўйинлари олдидан ёш футболчиларимизга тайёргарлик вазифасини ўтагани билан аҳамиятли.

Дунё нигоҳи

Лорел Виктория ГРЕЙ,
«Silk Road Dance Company» компанияси директори:

Самарқанднинг инсоният тарихидаги ўзига хос ўрни шундаки, унда асрлар мобайнида турли фалсафа, анъана ва маданиятга эга бўлган халқлар ўзаро тинч ва тотувликда ҳаёт кечиришган. Самарқанднинг улуғворлиги ва мафтункор гўзаллигини ўз кўзи билан томоша қилиш мақсадида дунёнинг турли бурчакларидан одамлар Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳатга чиқишган. Асрлар ўтганиғ қарамай, Самарқанд ҳозир ҳам ўзига хос ва бетакрорлиги билан дунёга машҳур.

БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури ва бошқа қатор мақсадли лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида болаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида сезиларли ютуқларга эришилди.

Ушбу форумдан кўзланган асосий мақсад болаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида юртимизда ва хорижда тўпланган тажрибани умумлаштирган ҳолда эътиборга муҳтож болаларни қамраб олувчи самарали фаолият механизмларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Айни пайтда мазкур халқаро анжуман болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мавжуд тизимини янада такомиллаштиришга йўналтирилган қатор амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишни кўзда тутади.

Болалар ногиронлиги барча мамлакатлар учун жиддий тиббий-ижтимоий масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистондаги махсус мактаблар, интернатлар ва мактабгача муассасалар бундай болаларни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш ҳамда реабилитация қилиш билан шуғулланмоқда. Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун махсус таълим дастури амалга оширилаётир. Ушбу дастур доирасида тиббиёт ходимлари болаларнинг ривожланиш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларни тарбиялашга алоҳида ва табақалашган ёндашувни ташкил этишда педагогларга фаол ёрдамлашмоқда. Тиббий-педагогик соғломлаштириш, меҳнатга ўргатиш, касб танлаш, ишга жойлаштириш бўйича тасвиялар бермоқда. Болалар йиллига икки марта тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Бундай эзгу ишларда турли вазирлик ва муассасалар билан бир қаторда жамоат ташкилотлари, жумладан, «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаол иштирок этаётгани эътиборга лойиқдир.

Форумда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Т.Жўраев, ЮНИСЕФнинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Р.Ҳусайний, ЮНИСЕФнинг болаларни ҳимоялаш масалалари бўйича халқаро алоқалар департаменти раҳбари Д.Аллонсьюнс, Италиянинг «Инноченти» ҳуқуқий тадқиқот маркази раҳбари Т.Ваaж маъруза қилди.

— Айрим давлатларда етим болалар ва болалар уйларининг тобора кўпайиши ҳолати кузатилаётган бир шароитда, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ишларни ҳар томонлама ўрганса арзийди, — деди Ярославль университети психологи Л.Жедунова. — Айнан шу нуқтаи назардан ҳам ушбу форум унинг қатнашчилари учун самарали ва фойдали бўлишига шубҳа йўқ.

Икки кун давом этадиган форумда болаликни ҳимоялашнинг халқаро ҳуқуқий масалаларини ўрганиш ва қўллашга, соҳада тақдим этилаётган хизмат турларига қонунчиликдаги мавжуд тизимни чуқур таҳлил этишга, алоҳида эътиборга муҳтож болаларнинг ижтимоий реабилитацияси ва профилактикаси механизмига оид масалалар атрофлича муҳокама этилиб, амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

«Ўзэлтехсаноат»:
КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ

Кеча пойтахтимизда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси корхоналарининг савдо кўргазмаси очилди. Ундан уюшма таркибига кирувчи 30 га яқин ишлаб чиқариш корхоналарида тайёрланган юқори сифатли ва чет эл маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган товарлар ўрин олган.

Айниқса, «Сино», «Фотон», «Оникс» очиқ турдаги акционерлик жамиятлари ва «Андижон кабель», «Ўзбек кабель» ҳамда Чирчиқ трансформатор заводи каби йирик корхоналарнинг маҳсулотлари кўп сонли иштирокчиларга манзур бўлмоқда.

— Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад ички бозорни маҳаллий корхоналаримиз томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлашдир, — дейди «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ишлаб чиқаришни экспортга йўналтириш бошқармаси бошлиғи Оллоёр Абдуллаев. — Шунингдек, 2007 йилда истеъмолчиларга 150 миллиард сўмликка яқин маҳсулотларни етказиб бериш бўйича шартномалар имзолашни ҳам кўзлаяпмиз.

Таъкидлаш лозимки, уюшмамиз корхоналарининг товарлари бугун нафақат ички бозоримизни, балки чет эллик харидорларни ҳам тобора ўзига жалб қилмоқда. Жорий йилнинг ўн ойи мобайнида режадаги 96 миллиард сўмлик ўрнига 115 миллиард сўмлик миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилгани бунга мисол бўла олади.

— Йил охирига қадар бу кўрсаткични 145 миллиард сўмликка етказиш кўзда тутилаяпти. Экспорт ҳажми эса 50 миллион АҚШ долларидан ошиши кутилмоқда.

«Сино» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг мазкур кўргазмадаги маҳсулотлари билан танишдик. Юқори сифатли, рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган замонавий музлатгичлар, ошхона мебеллари, турли хил электр жиҳозлари, ёзги-қишки совутгичлар жами 32 турдаги ускуналар харидорлар эътиборига ҳавола этилганки, ҳар бири уларда қизиқиш уйғотмоқда. .

Кўргазма ташкилотчиларининг айтишича, мазкур тадбир доимий равишда фаолият кўрсатади.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Таклифлар таҳлили

Солиқ сиёсатининг оқилона юритилиши жамиятдаги мавжуд шарт-шароит ва қулайликларни барқарорлаштиришга кўмак беради. Қолаверса, мазкур сиёсат доимий равишда ривожлантириб боришни талаб этади. Айни пайтда парламентимизда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси устида қизғин иш олиб борилаяпти.

ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан жорий йилнинг 7-25 ноябрь кунлари республикамизнинг барча минтақаларида янги таҳрирдаги «Солиқ кодекси»нинг муҳокамасига бағишланган туркум давра суҳбатларини ўтказиш режалаштирилганди. «Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси: таклиф ва мулоҳазалар» мавзуидаги навбатдаги давра суҳбати ЎзЛиДеП Тошкент вилояти Кенгашида ўтказилди.

Қатнашчилар махсус гуруҳларга бўлинган ҳолда ўз таклиф ва фикр-мулоҳазаларини муҳокама учун ўртага ташладилар. «Ижтимоий фикр» маркази экспертлари йиғилиш иштирокчиларидан сўровнома ўтказди. Муаммо ва камчиликлар билан бирга, билдирилган янги ғоялар чуқур таҳлил қилинди.

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ РИВОЖИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳозирги вақтда аҳолини, айниқса, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий ҳамда маърифий тарбиялаш катта аҳамиятга эга. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раҳбари З.Мунавваров Ўзбекистонда халқимизнинг маънавий мероси, буюк аждодларимиз номларини қайта тиклаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ёшларда маънавий-мафкуравий иммунитетни шакллантиришда, уларни турли хил зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишда кучли омил бўлаётганини таъкидлади.

"Московские новости" ҳафталиги ва "Новый политический класс" журнали бош муҳаррири В.Третьяков демократияни четдан олиб келиб жорий этиб бўлмаслигини ва ҳар бир давлат уни қуриш учун ўз йўлини танлаш ҳуқуқига эга эканини қайд этди.

Россия Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қаратилган сиёсатини юксак баҳолайди, деди Самарали сиёсат жамғармаси президенти Г.Павловский. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда сиёсий тизимни такомиллаштириш борасидаги янги ташаббуслари жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган демократия йўлидаги яна бир қадамдир. Барқарор жамоат институтларини барпо этишга қаратилган ишлар ноёб тажриба бўлиб, уни нафақат мазкур минтақа давлатларида, балки бошқа қитъаларда ҳам қўлласа бўлади.

Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунлар ижроси бўйича жамоат назоратини таъминлаш, демократик меъёрларга риоя этиш Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Жамоат ташкилотлари катта ички заҳира, ресурс ва механизмларга эга бўлиб, улардан демократик қурилишда янада кенг фойдаланиш зарур. Тадбирда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори вазифасини бажарувчи Б.Худойбердиев ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Халқаро учрашув иштирокчилари демократик институтларни ривожлантириш — доимий ўрганиш ва такомиллаштиришни талаб этадиган узоқ жараён эканлигини алоҳида таъкидладилар. Бу жараён Ўзбекистонда ҳам, Россияда ҳам катта истиқболга эга.

А.ИВАНОВА,
А.ҚАРШИЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

МАРКАЗНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Пойтахтимизда Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Унинг очилишида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни, жумладан, вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг комил инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Вояга етмаганлар ўртасида қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасидаги ишларни ўзига хос мувофиқлаштирувчи ҳисобланган ушбу марказ илгари мослашган бинода жойлашган эди. Ҳозирги бино таъмирдан чиқарилиб, замонавий мебель, спорт инвентарлари билан жиҳозланди. Икки юз ўринга мўлжалланган марказда уч ёшдан 18 ёшгача бўлган қаровсиз қолган болалар ота-онаси, қариндошлари ва яшаш жойи аниқлангунга қадар, 30 кунгача яшаб туриши мумкин.

Марказга ҳомий ташкилотлар томонидан «Дамас» автомобили топширилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Ер ҳайдасанг, куз ҳайда...

Халқимизда ер ҳайдасанг — куз ҳайда, деган ибратомуз ҳикмат бор. Кўпни кўрган, катта ҳаётий тажрибага эга деҳқонлар доимо шу ақидага амал қилиб иш тутишади. Хусусан, Чиноз туманидаги «Гулзоробод» ширкат хўжалиги аъзолари ҳам 460 гектар ерни айнан кузда шудгорлаб қўйишни режалаштиришган. Техника кучидан унумли фойдаланилаётгани боис ҳар куни 20-25 гектар, ҳозиргача эса жами 260 гектар ерда бу иш сифатли қилиб адо этилди.

СУРАТДА: хўжалик касаба уюшмаси раиси Баҳром Мансуров, бош ҳосилот Раим Мамедов ҳамда механизатор Акром Назаровлар шудгорланган майдонларни кўздан кечиришмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Журналист суриштируви

1 МИЛЛИАРД СЎМЛИК ДАЛА ШИЙПОНИ

ёки Фиждувон туманида айрим катта-кичик раҳбарларнинг жиноий ҳаракатию, оддий фермерга беписанд муносабати хусусида

«Халқ сўзи»нинг шу йил 17 август сонида Фиждувон туманидаги «Жўрабек Набиев» фермер хўжалиги раиси Ҳамро Набиевнинг «Шийпонимизни қайтариб беринг» сарлавҳали мактуби эълон қилинди. Унда муаллиф 1970 йилдан буён тумандаги С. Айний номли хўжаликда колхозчи, 1992 йилдан бошлаб эса 14-бригадага етакчилик қилиб ишлаб келаётгани, ўтган йили декабрь ойида ширкат хўжалиги тарқатилганда ўзи ишлаган бригада ҳудудидан 23,6 гектар ер олиб фермер бўлгани, бироқ, унга тегишли ҳудуддаги ўзи ва бригада аъзолари ҳордиқ чиқарган ва обод қилган дала шийпони бошқа бир фермерга хуфёна сотиб юборилгани, туман ҳокими Т. Қудратов дала шийпони аукционга қўйилади деганида, бу аукционга қатнашиш учун аукцион баҳосининг 10 фоизи — 350 минг сўм тўлагани, лекин аукцион куни тугатиш комиссияси раиси Х. Деҳқонов (ҳокимнинг 1-ўринбосари) савдога қатнашишга киритмагани, кейин билса мазкур дала шийпони мутлақо бошқа ҳудуддаги «Иззатулло Жасур» фермер хўжалиги раҳбари Раҳмат Мавлоновга сотиб юборилгани ҳақида ёзилган ва шийпонни қайтариб олишга ёрдам беришни сўраган эди.

Газетамизнинг 2006 йил 3 октябрь сонида ушбу мактубга Бухоро вилоят ҳокими ўринбосари О. Жумаев ва вилоят прокурори ўринбосари Ж. Низомовнинг жавоблари «Бир мақолага икки хил жавоб» сарлавҳаси остида эълон қилинди.

...Ниҳоят, шу йил 7 ноябрда ушбу объект бўйича аукцион савдоси ўтказилиши эълон қилинганини эшитиб, Фиждувонга бордик.

Суриштирув жараёнида қўшимча кўп факт ва ҳолатлар аниқланди.

Биринчи факт: Ҳамро Набиев 1970 йилдан бери шу ер, шу заминнинг гуллаб-яшнашига, ҳосил беришига, эл-юрт ризқини яратишга хизмат қилиб келаётган деҳқон одам, Ер фарзанди. Бригада бошлиғи давридаги кейинги 14 йил умри эса ана шу дала шийпонида ўтди: бригада аъзолари билан бу ерда қуёшнинг тиғи қиркдан ошган кезлар бир хўплам чой ичиб ҳордиқ чиқаришди, тушлик қилишди, газета-журнал ўқишди, ҳарорат пасайиши билан яна далага — ғўзалар орасига отландилар. Бу ерга турли мевали дарахтлар, токлар экиб, соя-салқин бир гўшага айлантирдилар.

Иккинчи факт: «Иззатулло Жасур» фермер хўжалиги норасмий раҳбари Раҳмат Мавлоновнинг (расмий Л. Мавлонова) бу дала шийпонига ва ҳатто, ширкат хўжалигига ҳам ҳеч қандай дахли йўқ, у бошқа ташкилотларда ҳисобчи бўлиб ишлаган. Дала шийпони С. Айний номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Б. Облоқулов ва бош ҳисобчи Ф. Қаҳҳоровлар томонидан сохта ҳужжатлар тайёрланиб, биржада Л. Мавлоновага сотилган. Сохта ҳужжат тайёрлаш ва ундан фойдаланиш эса жиноий ҳаракатдир.

Учинчи факт: Фермер хўжаликларини ташкил этишга оид қонунларда «имтиёз ҳуқуқи» деган тушунча бор ва бу фермер бўлишга аввало шу «Ер»га дахли бор шахснинг ҳуқуқи устувор деганидир. Бу фактга туман ҳокими Толиб Ўзбекович «Бу имтиёз дала шийпони сотишда эмас, ер ажратишда қўлланади» деб тузатиш киритдилар. Қўшиламиз. Лекин, қўл остида ишлаётган раҳбар ходимларнинг дала шийпонини сотишда қандайдир манфаатлар эвазига сохта ҳужжатлар тайёрлагани муҳтарам ҳокимнинг иззат-нафсига тегмадими, бунинг учун у ҳам маънавий жавобгар эканини ҳис этмадими? Йўқ. Агар ҳис этганида, жилла қурса, вилоят прокуратурасининг тақдимномасидан кейин ҳам бу хатони тузатишга, мазкур дала шийпонини бунда умри ўтган меҳнаткаш бир инсонга берилишига — электрон биржа савдоси орқали сотилишига хайрихоҳ бўларди. Агар иккинчи томон даъво қилса рад этишга асосли важлар бор: дала шийпони унинг эмас, бунинг ерида, мазкур мулкни у хуфёна тайёрланган сохта ҳужжатлар орқали сотиб олгани исботланган ва ушбу савдо бекор қилинган. Янада хунукроғи, бу мулкни у сотиб олганидан кейин икки кун ўтиб (2005 йил 22 июль) бошқа одамга сотган, 24 октябрга келиб эса яна бошқага сотган. Яъни, «Иззатулло Жасур» фермер хўжалиги раҳбари мазкур дала шийпонини икки кишига сотаяпти!(?). Бу савдони амалга оширган Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилоят филиалининг раҳбари-ю мутасаддилари қаёққа қарашди?

Тўртинчи факт: С. Айний номли ширкат хўжалиги тугатилгач, ундаги ўнга яқин дала шийпонларининг ҳаммаси Марказлашган электрон биржа савдолари орқали ва уларнинг ярмидан кўпи олган ери айнан ўша шийпон ҳудудида бўлган фермерларга сотилди. Нархи 1-3 миллион сўм атрофида. Жумладан, собиқ раис Б. Облоқулов ҳам фермер бўлиб, ҳудудидаги дала шийпонини биржа савдоси орқали ўзи сотиб олди. Фақат шу ягона шийпонгина аукционга қўйилди. Уч марта. Аввалига 2 миллион 50 минг сўмга баҳоланган объект, 2,5 миллион сўм, 3,5 миллион сўмга чиқди. Харидор савдога киритилмади. «Жўрабек Набиев» фермер хўжалиги раҳбарининг қўлида 3 та биржа савдолари учун «10 фоиз нарх» тўланган жами 1 миллион сўмликка яқин квитанциялари бор...

Бешинчи факт: «Жўрабек Набиев» фермер хўжалиги 2006 йилда ғалла ва пахта етиштириш режасини ортиғи билан бажарди, «Иззатулло Жасур» фермер хўжалиги фақат пахта етиштиради ва у, туман ҳокими статистика бўлимидан телефон орқали «билган» маълумотга кўра, режани атиги 53 фоизга бажарган...

Олтинчи факт: Туманда «Ўринбобо» номли фермер хўжалиги билан қизиқдик. Чунки у ҳам «Иззатулло Жасур» раҳбарининг оиласига тегишли бўлиб, 1 гектардан ортиқ ер шахсий уйлар қуриш учун берибми, сотибми юборилган. Уйларни кўрдик. Лекин бунга унчаям ишонолмай, расмий ҳужжат сўрадик. Ҳокимнинг телефон орқали билиб ва ёзиб берган маълумотига кўра, бу фермер хўжалиги 1994 йил 2 мартда ташкил этилган, раҳбари Раҳмат Мавлонов, жами 1,1 гектар ери бор, чорвачиликка ихтисослашган, 28 та қорамоли бор, шундан учтаси сигир. Ҳозиргача, ҳеч қанча маҳсулот бермаган... Бу факт аниқлангандан бошлаб, «бунинг манави жанжалга нима алоқаси бор?» деб, ҳоким бироз асабийлаша бошладилар... Қизиғи, туман прокурори Б. Назаров аниқлаб берган маълумотларга кўра, бу фермер хўжалиги туман ҳокимининг 2004 йил 24 мартдаги 132-сонли, вилоят ҳокимининг ўша йил 7 майдаги 65-сонли қарори билан ташкил этилган экан. Қайси сана тўғри, орадаги «10 йил» фарқнинг сабаби нимада?

Еттинчи факт: Туман ҳокимининг 2000 йил 16 ноябрдаги қарори билан фуқаролар Тошев Қодир ва Мавлонов Убайдуллога чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона қуриш учун 30 сотих ер ажратилган. Лекин ҳозир унинг ўрнида молхона мавжуд ва у ўлчамаган тақдирда ҳам, камида икки баравар ортиқ ерда ястаниб ётибди. Шунингдек, мазкур фермер хўжалиги илгари хусусийлаштириб сотиб олинган ширкат хўжалиги гаражида, қишлоқнинг ўртасида, қўйлар боқмоқда.

Юқоридаги фактларни, негадир, маҳаллий ҳокимият ҳам, прокуратура ҳам кўрмайди, билмайди... Буларни баён этишдан мақсад Мавлоновларни ёмонотлиқ қилиш эмас, маҳаллий ҳокимиятнинг турли одамларга турлича муносабатини кўрсатиш, холос.

Саккизинчи факт: 2006 йил 7 ноябрдаги биргина шу дала шийпони сотилишига бағишланган аукцион савдоси кўп ғаройиб бўлди. Уч харидор қатнашди. Бошланғич 6,5 миллион сўмдан ҳар «қадам»да 500 минг сўм қўшилиб бошланган нарх 10 миллион сўмга етганда учинчи харидор қўлида тик қўтариб турган таёғини пастга туширди. «Саҳна»да асосий икки харидор қолишди. Аукциончи Зафар Хожиев ҳар қадамни 1 миллион сўмдан деб эълон қилиб, нарх 20 миллион сўмга етди — иккала таёқ қўтарилганча тураверди. Қадам 2 миллион сўмдан эълон қилиниб, нарх 30 миллион сўмга, сўнг 50 миллион сўмга чиқди. Қўтарилган иккала таёқ «қилт» этмади. Нарх 100 миллион сўмга етди! Таёқлар туширилмади. Аукциончи «юқорилашни» тўхтатиб, «шунча маблағинглар борми, қурбинглар етадими?» дея ҳам у, ҳам бу харидорга мурожаат қилди. Иккиси ҳам «ҳа» ишорасини билдирдилар. Кўз олдимизга 50 сотих ернинг ўртасидаги товуқхонага ўхшаш уч-тўрт хонали эски бир бино (суратдаги) келди. Мана шунинг нархи 100 миллион сўмга чиқди. Бу ҳали аталди! Ва, шундагина «принцип» ҳолати (қасдма-қасд сунъий нарх ошириш — муалл.) сабаб, аукцион тўхтатилди, кейинги сешанбага қолдирилди.

Тўққизинчи факт: Дала шийпонига тегишли 50 сотих ҳудуд, кейинги бир-икки ой ичида тахминан 70-80 мингта пишиқ ғиштли девор (бетон пойдевор) билан ўраб қўйилди. Қизиғи, дала шийпони Л. Мавлоновага сотилган биржа савдоси вилоят прокуратураси томонидан бекор қилинганидан кейин девор қурилиши «Иззатулло Жасур» фермер хўжалиги томонидан амалга оширилди. Ҳамро Набиев бу ноқонуний ҳаракат ҳақида туман ҳокимига, прокурорга арз-хабар берганидан кейин ҳам... қурилиш тўхтамади, битказилди!(?)

Ўнинчи факт: Аукциондан кейин нариги фермернинг бирнеча ўғли бир бўлиб, бериги фермернинг ўғлини кўчада тутволиб, «Нега аукционга бординг» деб дўппослашибди. Пешонаси ғурра йигитни ҳоким қабулида биз ҳам кўрдик. Кейин ота-бола прокурорга кириб, жабрланувчи шикоят-ариза ёзиб, сўнг туман касалхонасига ётибди. Бу 7 ноябрь, сешанба куни эди. 13 ноябрь душанба куни Ҳамро акага қўнғироқ қилиб, ўғлининг аҳволини сўрадик. Ҳалиям касалхонада экан, бироқ... на милициядан, на прокуратурадан ҳануз бирон бир вакил келиб, бир оғиз суриштирув бўлмаган. Балки, калтакланувчининг пешонасидаги ғурранинг кетишини кутишаяптими... Бош шифокор эса, эртага 9 гача чиқиб кетгин, тузалдинг, дебди... Ўйлаймизки, бу ва бошқа ҳолатларга яна вилоят прокуратураси холис ҳуқуқий баҳо беради.

Ўн биринчи факт: Нарх 1 миллиард сўмга чиққани ва аукцион қолдирилганидан хабар топган ҳоким, аслида дала шийпонини иккаласигаям бермасдан маҳаллага чойхона қилиб қўйиш керак, шундай қиламиз ҳам, деди муаммонинг ечимини топгандек. «Агар нариги фермерга тегишли одамни чойхоначи қилиб қўйсангиз, барибир низо тугамайди» дедик биз юмшоқроқ бўлсин учун «агар» сўзини қўшиб. Ҳоким маъноли жилмайди.

Ўн иккинчи факт: 14 ноябрда бўлган навбатдаги аукцион савдоси ҳақида маълумот: харидорлардан бири эълонда айтилган вақтдан кечикиб келгани учун аукционга киритилмади, қолган икки харидор — Сатторов Абдужалол ва Набиев Ҳамро иштирокида аукцион савдоси бошланди. Нарх 6 миллион 800 минг сўмга етгач, кейинги нарх эълон қилинмасидан олдин Сатторов таёқчасини пастга туширган эди... туман ҳокимининг 1-ўринбосари Х. Деҳқонов раислигидаги комиссия... бу аукционни бекор қилди: иккала харидор ўзаро келишиб кирганмиш, аукцион муҳити вужудга келмаганмиш... Қизиқ, харидорлар комиссияга маъқул бўлмаса, «муҳит» ҳам маъқул бўлмайдими?

Ҳабибулло ОЛИМЖОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири,
Бунёд АБДУЛЛАЕВ,
журналист.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Журналист суриштируви ўтказилаётган кунларда таҳририятга Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Умаровдан «Бир мақолага икки хил жавоб» («Халқ сўзи», 2006 йил, 3 октябрь)га жавоб келди. Унинг якунида, «Вилоят ҳокимлиги ва вилоят прокуратурасидан йўлланган жавобларнинг қайси бирига амал қилиш, аввало арз этувчининг ҳоҳиши бўлиб ҳисобланади» деб ёзилган. Бунга яна ҳайрон бўлдик: бу, масаланинг оддий моҳиятига тушунмасликми ё Бухородаги айрим раҳбарлар газетага нисбатан беписандлик даражасига етиб борганми?

24 соат ичида

Россия Президенти Владимир Путин Москвадаги "Внукова-2" аэропортида АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашди. Жорж Буш Вьетнам пойтахти Ханойда бўлиб ўтадиган Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитига кетаётганда Москвада тўхтаб ўтди. Таҳлилчилар олдиндан башорат қилишганидек, президентларнинг қисқа учрашуви чоғида Эрон ҳамда Россиянинг ЖСТга аъзо бўлиб кириш масалалари муҳокама этилди.

АҚШ Конгресси қуйи палатаси мамлакатнинг БМТдаги доимий вакилини ўзгартиришмоқчи. Депутатлар бу лавозимга республикачи Жим Лични тайинлашни сўраб, Жорж Бушга мурожаат қилишди. Ўтган ҳафтада Жорж Буш АҚШнинг халқаро ҳамжамиятдаги амалдаги доимий вакили Жон Болтон номзодини иккинчи муддатга тасдиқлаш учун Сенатга тавсия қилганди.

Ватиканнинг юқори мартабали вакили Ренато Мартино АҚШни айблаб чиқди. Оқ уй мамлакатнинг Мексика билан чегарасида девор қуриш режасини қаттиқ танқид қилди. Мартино АҚШ раҳбариятини хорижликларнинг мамлакатга эркин кириб-чиқишига қонуний асосларда рухсат беришга чақирди. Эслатиб ўтамиз, Жорж Буш 26 октябрь куни Мексика билан чегара ҳудудларда узунлиги 1100 километрлик тўсиқ қуриш тўғрисидаги қонунни имзолаганди.



БМТ Бош ассамблеяси Россия томонидан тайёрланган Европа Кенгашининг халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлиги тўғрисидаги резолюциясини ўзаро келишув асосида тасдиқлади. Россиянинг БМТдаги доимий вакили Виталий Чуркин мазкур ҳужжат икки ташкилот манфаатларига бирдек мос келишини ва хавфсизликни ҳимоя қилиш, халқаро терроризмга қарши курашиш ҳамда турли зиддиятларнинг олдини олишда самарали ҳамкорлик ўрнатишга катта ёрдам беришини таъкидлади.

Россия ЖСТга аъзо бўлиш йўлида Коста-Рика билан икки томонлама ўтказилган музокараларини муваффақиятли якунлади. Лекин ҳали бу борада расмий протокол имзоланганги йўқ. Бу ҳақда Россиянинг Иқтисодий ривожланиш вазирлиги вакили РИА «Новости» мухбирига маълум қилди. Владимир Путин расмий Москва ЖСТ аъзолигига эришиш йўлида барча босқичлар босиб ўтилганини ва бу мамлакат иқтисодиёти ривожланишига катта туртки беришини эътироф этди.

«Ҳизбаллоҳ» етакчиси Шайх Ҳасан Насруллоҳ Ливан ҳукуматининг алмашишига эришмоқчи. У ўз тарафдорларига Ливаннинг амалдаги ҳукуматини алмаштириш ишларига кўмаклашишга чақирди. Шайх бешта вазир истеъфога чиқарилгандан сўнг Фуад Синиор ҳукуматида ҳеч қандай ваколат қолмаганини таъкидлади. Бундан ташқари, етакчининг таҳдид қилишича, ташкилот тарафдорлари мамлакат ҳукуматини ағдариб ташлашга тайёрланаётир.

Маҳмуд Аббос Фаластин мухторияти бош вазирлигига «ХАМАС» томонидан кўрсатилган номзодни тасдиқлашни рад этди. Бу ҳақда Фаластиннинг Уммондаги элчиси Аталла Хайрий журналистларга маълум қилди. Бундан олдинроқ томонлар Газодаги Ислом университетининг собиқ ректори Муҳаммад Шбейрий номзоди юзасидан бир тўхтамга келгани тўғрисида хабарлар тарқалганди. Бироқ элчининг сўзларига қарагандa, ҳукумат раҳбарини тайинлашда «ХАМАС» ва «ФАТХ» ҳалигача бир келишувга эришмаганлар.

Ирокда гаровга олинганлар озодликка чиқарилди. Сешанба куни полиция кийимида келган номаълум шахслар таълим вазирлигига бостириб кириб, 25 нафар олим ва 100 ходимни гаровга олишганди. Яна 25 нафар гаровдаги одамнинг тақдири номаълумлигича қолаяпти. Ҳозир бу ишни ҳеч бир террорчи ташкилот ўз зиммасига олгани йўқ.

MANAGEMENT CONSULTING

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Компания мижозлари:

- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» КК
- «УзДонгВон КО» КК
- «UZEXIDE» КК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ГАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 340-54-27.
Факс: (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

КОМПАНИЯЛАР ВА КОРПОРАЦИЯЛАР УЧУН ТАРИФ РЕЖАЛАРИ

КОРПОРАЦИЯ



	КОРПОРАЦИЯ 500	КОРПОРАЦИЯ 1000
АБОНЕНТ ТЎЛОВИ, ОЙИГА	$12	$24
ИМТИЁЗЛИ ДАҚИҚАЛАР, ОЙИГА	500	1000
ЧИҚУВЧИ (ЎРНАТИЛГАН ЛИМИТДАН ТАШҚАРИ) 1 ДАҚИҚА УЧУН		
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА	$0,04	$0,03
ТАРМОҚ ИЧИДА	$0,02	$0,02
КОРПОРАТИВ ГУРУҲ ИЧИДА	$0,01	$0,01
КИРУВЧИ (ЎРНАТИЛГАН ЛИМИТДАН ТАШҚАРИ) 1 ДАҚИҚА УЧУН		
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА	$0,04	$0,03
ТАРМОҚ ИЧИДА	$0,00	$0,00
КОРПОРАТИВ ГУРУҲ ИЧИДА	$0,00	$0,00

ИЗОҲ:
- Таклиф фақат 5 ва ундан ортиқ МТС-Ўзбекистон тармоғида актив рақамларга эга бўлган юридик шахслар учун ҳақиқийдир.

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Хизматлар лицензияланган.

МТС

2007 ЙИЛ КИЧИК ГРАНТЛАР ДАСТУРИ

Ўзбекистондаги Жаҳон банкининг ваколатхонаси кичик грантлар дастури ҳақида мамнуният билан эълон қилмоқда

Дастур ҳақида. Кичик грантлар дастури (КГД) Жаҳон банкининг жорий лойиҳалари фаолиятига тегишли бўлмаган тадбирлар доирасида халқаро ривожланиш бўйича ўзаро мулоқотни қўллаб-қувватлаш ва маълумотларни тарқатиш учун 1983 йилда ташкил этилган.

Аризани кимлар топшириши мумкин? КГД нотижорат, ноҳукумат ва ноакадемик ташкилотларни қўллаб-қувватлаш учун берилади.

Қандай тадбирлар қўллаб-қувватланади? КГД ёрдами билан молиялаштириладиган тадбирлар ўзаро мулоқотларни ривожлантиришга ва маълумот тарқатишга кўмаклашиш ҳамда иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт жараёнининг асосий иштирокчилари билан ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган. *2007 йил КГД доирасида асосий эътибор, қуйидаги соҳаларда фоалият кўрсатувчи ноҳукумат ташкилотларнинг таклифларга қаратилади: мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожи масалалар бўйича мулоқотлар учун шароит яратиш; маҳаллий бошқарув органларининг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари/қашшоқликни камайтириш билан боғлиқ бўлган масалаларда ҳисоботларда ошкораликни таъминлашга қаратилган тадбирларни қўллаб-қувватлаш.* Айниқса мазкур мавзуларга оид тадбирларга ёшларни жалб этадиган таклифлар маъқулланади.

Тақдим қилинадиган грантларнинг ҳажми қандай? Алоҳида грантлар 1 000 АҚШ долларидан 7 000 АҚШ долларигача бўлган миқдорда ажратилади. КГД доирасида таклиф қилинган фаолият грант тақдим этилган кундан бошлаб бир йил ичида якунланиши керак. Ариза берувчи ташкилотлар бошқа донорлардан маблағ олишда Жаҳон банкининг КГД гранти уларга қандай ёрдам бериш мумкинлигини изоҳлаб беришлари шарт.

Ариза қандай берилади? КГД бўйича кўрсатмалар ва ариза намунасини олиш учун Жаҳон банкининг Тошкентдаги ваколатхонасига мурожаат қилишингиз мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, 700084, Амир Темур кўчаси, 107В, Халқаро бизнес маркази, 15-қават ёки Жаҳон банкининг интернет саҳифаси: www.worldbank.org.uz. Аризаларни 2006 йил 25 декабргача Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига "Кичик грантлар дастури, Ирина Цойнинг эътиборига" деган ёзув билан юқорида кўрсатилган манзилга юборишингиз лозим. Факс: 138-59-51/52 ёки электрон манзил: itsoy@worldbank.org.

Таклифингиз Дастур координаторига етиб борганлигини текшириб қўйинг.

Почта маркаларини тўпловчи ишқибозлар ва филателистлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан республикамиз байроғи тасвири туширилган купонли почта маркаси ишлаб чиқарилди ва шу билан бирга махсус хотира тамғаси ҳам тайёрланди.

Ушбу почта маркаси тақдимоти ва махсус хотира тамғасини ҳисобдан чиқариш тадбири 2006 йил 17 ноябрь куни соат 10.00 да «Тошкент почтамти» биносида (Шаҳрисабз кўчаси, 7-уй) бўлиб ўтади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
«Ўзбекистон филателистлари» жамияти

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 18 декабрь куни соат 11:00да Республика Кўчмас мулк биржасининг савдолар залида аукцион савдоси бўлиб ўтади. Аукцион савдосига «Зарафшон Ньюмонт» қўшма корхонасининг суд ижрочиси — тугатиш бошқарувчиси томонидан «Зарафшон Ньюмонт» қўшма корхонаси мулкий мажмуаси қўйилади.

Савдоларга қимматбаҳо металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича лицензияга эга бўлган юридик шахслар қатнашиши мумкин. Харидор тугатилаётган «Зарафшон Ньюмонт» қўшма корхонасининг мажбуриятлари бўйича ижросини Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида белгиланган талаблар асосида ўз зиммасига олади.

«Зарафшон Ньюмонт» қўшма корхонаси мулкий мажмуасининг 01.10.2006 йил ҳолатига бошланғич баҳоси 172 858 400 000 сўмни ташкил этади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун олдин соат 18:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар қимматбаҳо металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича лицензиясидан кўчирмани тақдим этишлари ва объект бошланғич баҳосининг 2 фоизи миқдорида закалат пулини Республика кўчмас мулк биржаси марказий идорасининг қуйидаги:, АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиали, МФО: 00425, ИНН 200933850,,20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин.
Республика кўчмас мулк биржаси марказий идораси манзили:
Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Кора-қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси, 1-А уй.
Телефонлар: 399-84-48, 399-79-52. Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz
Лицензия: DB 001 №000004

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ташкилот ЯРИМ ЖУН МАТОЛАРИ

ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича қуйидаги манзилда: 700070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ш. Руставели к., 1-берк кўча, 1-уйда

ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер иштирокчиларидан таклифларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2006 йил 15 декабрь соат 17.00 гача.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
8 10 998 (3712) 55-76-72, 136-39-60, 55-85-03, 55-75-12.
Факс: 8 10 998 (371) 361-43-72, 361-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz

ҚУРИЛИШ, КАДАСТР, ҚИДИРУВ ТАШКИЛОТЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:



- қурилиш учун ўлчаш асбоблари;
- зарар келтирмайдиган назорат ва техник диагностика асбоблари ва жиҳозлари;
- оптик нивелирлар ва теодолитлар, рақамли ва лазерли нивелирлар;
- фибергласс ва металл рулеткалар (3 м., 5 м., 8 м., 20 м., 25 м., 30 м., 50 м., 100 м.), телескопик нивелир рейкалар;
- электрон теодолитлар, узоқликни ўлчаш асбоблари, GPS-приёмниклар, электрон тахеометрлар, GARMIN шахсий автонавигаторлари.

Кредитга бериш имконияти бор.

Навоий кўчаси, 2-а уй. Тел.: 142-46-31. Факс: 134-53-66. Тел.: 316-59-41.
E-mail: geo_inform@yahoo.com

Хизматлар лицензияланган. Trimble расмий шериги Товар сертификатланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Орамиздаги одамлар

Оқ халат кийган одамга беихтиёр кўзинг эргашиб кетади. Чунки унда нур бор. Қаҳрамонимиз кўзгуга қараб ўкинмаслиги аён. Боиси, чеҳрасидаги нур кўзгуни ёриштириб юбориши тайин. Ёш улуғлиги ҳам Худо ато этган истарасига соя ташлолмаган. Аммо биз билан бўлган суҳбатда у киши кўнглига қулоқ солди. Олим бўлгунча, профессор бўлгунча, 50 йилдан зиёд шифокорлар қасамига хиёнат қилмай, оппоқ халатини доғсиз асраб келаётган бу инсоннинг кўнгли ҳам чеҳрасидай нурли эди...

Оқ халатнинг оппоқ нури

«Қўлларимни боғламанг»

Умр ўчоғида ўчмайдиган бир қўр бор. Бу болалик хотиралари. Агар бу хотиралар қайғуга тўла бўлса, ногаҳон онгу шуурингизда кўз ёшлари юзларини ювиб турган, ноласи гулдек кўксини тошдек эзаётган болакай гавдаланади. Отаси Сафар ака урушга кетган 1942 йили Тошпўлат олти ёшда эди. Йил ўтиб бу хонадонга «қора хат» келди.

— Дадам ниҳоятда хушрўй одам эди. Ёт ерларда увол кетди, — дея хотирлайди Тошпўлат ака. — Ҳозир ҳам хаёлимда дадам билан суҳбатлашиб тураман. Бўғзимга нимадир тиқилади, кўзимда ёш ҳалқаланади. Тасодифни қарангки, кенжа ўғлим Равшан ҳарбий хизматни бобоси ётган тупроқ — Украинанинг Сума вилоятидаги Пирки қишлоғида ўтади.

Уруш ва урушдан кейинги йилларнинг азоби. Ёш гўдаклар билан қолган онаизор, очлик, хорлик, машаққатли меҳнат. Буларнинг бирортаси Тошпўлатни четлаб ўтмади. Унинг болалиги кечган Бухоро вилояти, Жондор тумани, Дарвеши қишлоғида уч киши саводли эди. Шу боис 10-синфни тугатгунча учта мактабда ўқишга тўғри келди.

Тошпўлатнинг қўлидан уруш қаҳрамонлари ҳақида ёзилган китоблар тушмасди. У ҳам нимадир қилгиси, жасорат кўрсатгиси келарди. Қирда мол боқиб юрганида ҳам, боғда кетмон чопганида ҳам унинг фикри ёди отаси каби ўқимишли бўлишда эди.

1953 йилнинг 8 апрелида 9-синфда ўқиб юрган кезлари у биқинидаги кучли оғриқдан беҳуш бўлди. Жарроҳ Мина Даниловна уни операция столига ётқазиб, қўлларини боғлашни буюрди.

— Қўлларимни боғламанг, чидайман, мен ҳам сиз каби жарроҳ бўламан, — дея қаршилик билдирди жасоратли бўлишни орзу қилган Тошпўлат. Аммо шифокор ўз билганича иш қилди. Тошпўлат ҳушига келганда доктор опа тепасида «Қалайсан, қаҳрамон, энди жарроҳ бўлганингда кўришамиз», — дея жилмайиб турарди.

Ёшликда қилган орзунинг йўллари ёруғ бўлади. Жарроҳ бўлишни ният қилган йигит онаси Маъмурахон аядан оқ фотиҳа олиб, 1954 йили Тошкент Давлат медицина институтини ахтариб йўлга тушди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди. Аммо институт ректори Абдумалик Ғуломов ўша йили ушбу даргоҳ таркибида илк бор очилган стоматология факультетига кириб ўқишни таклиф қилди.

Мана 51 йилдирки, Тошпўлат ака шу даргоҳда. Бугун республикамиздаги стоматологлар профессор Тошпўлат Ҳамдамович Сафаровни билади, эъзозлайди, тан олади.

— 1964 йили талабаларни Самарқанд шаҳрига олиб борганимда, — дея хотирлайди Тошпўлат ака, — мени операция қилган Мина Даниловнани кўриб қолдим. Шифокор бўлганимни эшитиб мамнун бўлди. «Қўлларимни боғламанг», деган сўзларимни бот-бот эслаб туришини айтиб, жилмайганча бағрига босди.

Илмнинг йўли узун

Дарҳақиқат, илмнинг йўли узун, умрнинг йўли қисқа. Аммо Навоий ҳазратлари «умрнинг асоси кичикларга кичикроқ, улуғларга эса унинг ўлчови улуғроқдир», деган эканлар. Демоқчимизки, илм истаб йўлга чиққан одам арқонни узун ташлайди, машаққат юкини елкага олади. Шунчаки орзу билан фанда янгилик қилиш мушкул.

— Мени фан оламига олиб кирган, ҳамиша ғамхўрлик қилган, Москвада «Стоматология» журналида илк илмий мақолаларимни чоп этилишига имкон яратган устозим Л.Р.Рубин бўлди, — дейди Тошпўлат ака.

Тошпўлат Сафаров номзодлик диссертациясини ҳам, докторлик диссертациясини ҳам Москвада ёқлади. Умрининг 27 йили Тошкент билан Москва орасидаги қатновда ўтди. 1988 йили болалар стоматология кафедраси бўйича профессор илмий унвони берилди.

У кишининг муаллифлигида 140 дан ортиқ илмий, 37 та ўқув-амалий, ўқувуслубий қўлланмалар ва тавсияномалар, 17 та маъруза матнлари чоп этилган. У 4 та муаллифлик (ихтиро) гувоҳномаси ва 4 та рационализаторлик таклифларининг муаллифи, 80 тадан ортиқ илмий маърузалар қилган. Иларида эса кўплаб фан номзодлари, профессорлар «устоз» дея жилмайиб туришибди.

7-синфда ўқиб юрганда 120 дан зиёд шеър ва достонларни ёддан билган Тошпўлат Сафаров умрининг 70 баҳорида ҳам қўлидан бадиий асарларни қўймайди.

— Ўқитувчи қайси касбдан сабоқ беришидан қатъи назар, — дейди домла, — бадиий асарларни мунтазам ўқиб бориши керак. Қироат одоби ҳам бор. Саксонинчи йилларнинг бошларида китобларини яп-янги машинага алмашишни илтимос қилишган. Рози бўлмаганман.

Домлани бу борадаги эътиқоди бўлак. «Ўқибсан яхши, лекин уққанмисан, уққанингга амал қиласанми?». Ана шу савол домла қалбида ҳамиша жаранглаб туради.

Минглаб шогирдлари Тошпўлат аканинг катта қалби, дарё меҳри, юксак эътиқоди олдида ҳамиша таъзимда. Чунки устозларидаги тил ва дил бирлиги, ҳасад ва иғводан йироқлик, талабани доимо сизлаб, ўзи билан тенг кўриш, илм йўлидаги қатъият, танбалликни ёқтирмаслик каби қатор фазилатлари шогирдларига ўрнак бўлиб келган.

У ўз касбининг жонкуяри, терапевтик-стоматология фанининг билимдони. Қарийб 26 йилдан бери ўз соҳаси бўйича кафедраларга мудирлик қилиб келяпти. Бу борада ҳам домланинг ўзига хос ибрат мактаби бор.

1992 йилдан ҳозиргача Т.Х.Сафаров Тошкент тиббиёт академиясининг терапевтик-стоматология кафедрасининг мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

— Одатда, кексаларимиз «Тўрт мучанг соғ бўлсин», дея дуо қиладилар, — дейди Тошпўлат ака. — Инсоннинг яратилиши мўъжиза. Баданингизда туриб қолган ёки терингизга кириб қолган қилдек нарса ҳам оқтиқчалик қилади. Тиш ковагида қолган таом қолдиғини олиб ташламагунча одам тинчимайди. Халқимизда «Тиш борида гўшт йўқ эди, гўшт борида тиш йўқ», деган ибора бор. Худо ато этган тишларни асрай билиш зарур. Қолаверса, барча ички аъзо касалликларини маълум кўриниши оғизда бўлади. Ёши улуғ инсонларда ўз тишининг сақланиши, зуваласи пишиқликдан, палаги тозаликдан далолат. Тиш инсонга ҳам ҳусн, ҳам ҳаловат беради. Инсоннинг тишини кўриб унинг ички дунёсини айтиб бериш мумкин. Тиш рангига қараб эса одамнинг маданияти ҳақида фикр билдирса бўлади.

Мен ёшликдаги орзуим бўйича жарроҳ бўлмоқчи эдим. Тақдир тақозоси билан тиш доктори бўлдим. Худо қайтадан умр ато этса, яна шу касбни танлаган бўлардим. 50 йилдан зиёд меҳнат фаолиятим давомида минглаб одамларнинг тишларини даволадим.

Бахтнинг устуни — оила

Оиладан топмаган бахтни кўчадан тополмайсан, дейишади. Профессор Тошпўлат Сафаров бу ақидага амал қилади.

— Худо менга Сабохон опангиздек аёлни ато этмаганда, бу даражага етиб келмаслигим аниқ эди, — дейди домла мамнунлик билан.

Бу мамнунлик ортидан эса ўзи Москвада илм истаб юрган кезлари уйида ёш болалари, кекса қайнонаси ҳам ўз жигарлари билан қолиб, муқим уйга эга бўлгунча ўн уч жойга кўчиб ўтган йиллари, қора қозон ташвишлари, хуллас, айтса нор туяни чўктириши мумкин бўлган дардлар бўй кўрсатиб турарди.

Шу ўринда Сабохон опанинг қалбига қулоқ солиб кўрсак тарозунинг иккинчи палласидаги адолат юз очади.

— Кўқонда туғилганман. Оила каттаси эдим. 20 ёшимда, институтда ўқиб юрган кезларим аям қазо қилдилар. Кенжа укам 1 ёшу 3 ойлик, кейинги синглим 6 ёш, яна бир укам 14 ёшда. Ўзим янги келинман. Тошпўлат ака иккита кичкинтой укам, синглимни Тошкентга уйимизга олиб келдилар. Ўз фарзандлари қатори жигарларимни ўқитиб, тарбиялади. Мен у кишининг дарё қалби, одамийлиги, ҳалоллиги, муҳаббати олдида бош эгаман. Шу боис бўлса керак, биз оилада ҳеч қачон жиддий жанжаллашмаганмиз. Бирон бир сабаб билан гаплашмай қолган пайтимиз ярим соатдан ошмаган.

Эр-хотин бир-бири учун тиниқ кўзгу бўлган бундай оилада камолга етган 4 фарзанд ҳам ҳавас қилса арзигудек. Аввало шуни ифтихор билан айтиш керакки, оилада 2 ўғил, 2 келин, 1 қизлари, 1 куёвлари Тошпўлат акага издош, тиш докторлари. Сабохон ая қарилик нафақасига чиққунча оппоқ халатларига гард юқтирмай терапевт шифокор сифатида эъзоз топди. 1 қизлари кўз доктори. Ўғиллари Муроджон, Равшан доцент. Равшан докторлик диссертациясини ёқлаш арафасида.

Бу оилада ҳамманинг эгнида оппоқ халат. Улар оқ ният билан кийган оппоқ халатларидан таралган нурнинг шуълалари аввал кўнгилларни, кейин умр йўлларини ёритиб бормоқда. Нурга эргашмоқ эса ҳам савоб, ҳам хайрлидир.

Маҳмуд ТОИРОВ.

Тошкент вилояти ИИБ матбуот маркази хабар қилади

Қилмиш-қидирмиш

32 ёшни қаршилаган Рамил ўз ҳаётини изга тушира олмади. У муқаддам тўрт маротаба жиноят содир этганликда айбланиб судланган эди. Афсус яна жиноятга қўл урди. Уйида опаси билан гап талашиб, унга қўл кўтарди. Оқибатда опанинг қўли синиб Оҳангарон марказий касалхонасига юборилди.

Рамилнинг қилмиши юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Мактаб ўғриси

Вояга етмаган Алексей укаси Виктор билан бирга маст ҳолда балоғатга етмаган дўстлари Сергей, Рашид ва Андрейлар билан ўзаро тил бириктириб, Ангрен шаҳридаги 12-мактабга боришади. Коровулни уриб, унга тан жароҳати етказишади. Сўнгра мактаб директори ва ўқитувчилар хоналари эшигини бузиб, умумий баҳоси 1.160.000 сўм бўлган турли буюмларни ўғирлаб кетишади.

Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида ўғрилар ўша заҳотиёқ ушланди.

Қочиб қололмади

Янгийўл шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига Аваз Ўтар кўчаси, 10-уйда яшовчи Юлия қўнғироқ қилиб, номаълум шахс ёғ-мой комбинати олдида 175.000 сўмлик тилла занжирини бўйнидан юлиб олиб, қочиб кетганлигини маълум қилади. Воқеа жойига зудлик билан етиб келган тезкор гуруҳ ходимларининг ҳаракати натижасида ушбу жиноятга қўл урган ёлланма ишчи Сотволди ушланди ва ундан ашёвий далил олинди.

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА, журналист.

"LOK Kolor SINTEZ" ҚК

КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ

Тўлов тури - пул ўтказиш ёки накд пул билан

ТИКУВ МАҲСУЛОТЛАРИНИ

тақдим этади

• ЎРИН ТЎШАК МАҲСУЛОТЛАРИ
• МАХСУС КИЙИМЛАР
• БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИ

Ушбу маҳсулотни ФИРМА - МАГАЗИНИМИЗДАН завод нархларида сотиб олишингиз мумкин (мўлжал — «Фарғона йўли» кўчасидаги собиқ тепловоз депоси)

Манзил: Тошкент ш., «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22. Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998 71) 191-74-63

«Ўзбектўқимаш» ИЧБ тугатиш бошқаруви

бирлашманинг «Қуюв цехи» мажмуасидаги

МЕТАЛЛКОНСТРУКЦИЯЛАР

сотуви бўйича танлов эълон қилади.

Танловга қўйилган металлконструкциялар (двутавр 18 мм.дан 36 мм.гача, швеллер 6,5 мм.дан 50 мм.гача, уголок 50 мм.дан 90 мм.гача ва рельс 70 мм.)нинг тахминий ҳажми — 500 (беш юз) тонна.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

1. Металлконструкциялар бир тоннасининг бошланғич нархи — 160 000 (бир юз олтмиш минг) сўм, бу нархга демонтаж қилиш ва олиб кетиш харажатлари кирмаган.
2. Демонтаж қилиш ва олиб кетиш муддати 30 (ўттиз) иш куни қилиб белгиланади.
3. Металлконструкцияларни демонтаж қилиш, олиб кетиш билан боғлиқ ишлар ва харажатлар танлов ғолибининг ўз ҳисобидан амалга оширилади.

Металлконструкцияларнинг ҳар бир тоннасига энг юқори нарх берган ҳамда демонтаж қилиш ва олиб кетиш ишларини белгиланган муддатда якунлашга кафолат берувчи иштирокчи танлов ғолиби деб топилади.

Танловга иштирок этиш учун таъсис ҳужжатларининг нусхаси, иштирокчининг тўлов қобилияти тўғрисидаги унга хизмат кўрсатувчи банк маълумотномаси ва танловга қатнашувчининг ишонч қоғози талаб қилинади.

Танлов 2006 йил 21 ноябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар, У.Носир кўчаси, 53-«б» уй манзилида жойлашган Тугатиш бошқаруви биносида бўлиб ўтади (Мўлжал: «Аския» бозори рўпарасида).

Мурожаат учун телефонлар: 363-50-93, 363-50-94.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли



ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ

МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

2007 ЙИЛ УЧУН ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИ МАЖБУРИЙ ДАВЛАТ ҚИЁСЛАШИДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗАДИ.

ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗИШ МУДДАТИ — 2007 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛГАЧА.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15.
E-mail: metrolog@sarkor.uz

«Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти» давлат унитар корхонаси ва унинг Тошкент шаҳар шўъба корхонаси жамоалари Тошкент шаҳар шўъба корхонаси директори Муродхон КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 22.10 23456